



КАМБАҒАЛЛИК ЧЎНТАКНИНГ
БЎШЛИГИДАН ЭМАС, ИНТИЛИШНИНГ
ЙЎҚЛИГИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ

3-с.

БАХТГА ТЕНГ ЛИК БИЛАН ЭМАС,
БАҒРИКЕНГ ЛИК БИЛАН ҚАРАНГ...

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№53
(2381)

2026 йил
4 июль,
ШАНБА

Maḥalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Мулоқотда муҳим ташаббус ва таклифлар билдирилди



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев бошчилигида Уюшманинг бошқарма бошлиқлари, ҳудудлардаги энг намунали “маҳалла еттилиги” аъзолари ҳамда тизим мутасаддилари иштирокида очиқ мулоқот ўтказилди.

Мулоқотда Президентимизнинг “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгиланган устувор вазифалар ижроси, шунингдек, маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган истиқболдаги режалар ва таклифлар муҳокама қилинди.

Хусусан, маҳаллаларда томорқачиликни ривожлантириш, фаол маҳалла ҳомийларини махсус реестрга киритиш, уларни давлат мукофотларига тавсия этиш ва рағбатлантириш бўйича таклифлар билдирилди. Шунингдек, “Рақамли маҳалла” платформа-сида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини платформага интеграция қилиш ҳамда реестрга киритилмаган фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Мулоқотда ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш, чорвачилик ва сутчиликни ривожлантириш, “Маҳалла сервис компаниялари” фаолиятини кенгайтириш ҳамда “маҳалла еттилиги” учун махсус телеграм-бот яратиш бўйича ҳам устувор вазифалар белгиланди. Учрашув якунида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни амалиётга татбиқ этиш маҳалла тизими самарадорлигини ошириш ва аҳолининг форовонлигини юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.



“МАҲАЛЛА” атамаси ЮНЕСКО рўйхатига киритилади

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

“Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони билан “Маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”да муҳим вазифалардан бири сифатида “Маҳалла” атамасини ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига кириштириш белгиланди. Бу ташаббус бир қарашда рамзий аҳамиятга эгадек туюлиши мумкин. Аммо аслида мазкур мақсад маҳалланинг халқаро миқёсдаги макомини белгилаб берувчи, унинг ноёб кадрият сифатида тан олинишига хизмат қилувчи муҳим қадам ҳисобланади.

Аслида, бу фоя ўтган йили Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси делегациясининг АҚШга ташрифи, хусусан, БМТ қароргоҳида ўтказилган “Маҳалла институти аҳоли билан давлат ур-тасида муҳим ижтимоий кўприк” мавзусидаги халқаро конференцияда илк бор ўртага ташланган эди. Шунингдек, Уюшмада ЮНЕСКОнинг халқаро эксперти Маарит Жаккола хоним билан бўлиб ўтган учрашувда бу масала атрофлича муҳокама қилинган.

Одатда ЮНЕСКО рўйхотлари ҳақида сўз кетганда, кўз олдимизга тарихий обидлар, қадимий шаҳарлар ёки миллий санъат намуналари келади. Аммо ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос рўйхатида халқларнинг турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари, анъаналари ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳаётий тажрибалари ҳам алоҳида қадрланади. Маҳалла айнан шундай ноёб ижтимоий феномендир.

Давоми 2-саҳифада.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ
ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА
ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

КЎМАК ҲАР КУНИ КЕРАК, АММО МЕҲНАТ ИМКОНИНИ БЕРМОҚ УНДАН ЯХШИРОҚ

Маҳалла қанчалик ташаббускор ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Шу маънода Президентимизнинг “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони маҳалла тизими ҳаётида янги саҳифа очган тарихий ҳужжат саналади.



Иқрларимни бежиз фармоннинг тарихий аҳамиятидан бошламадим. Ушбу ҳужжатни ўқир эканман, унда фақат ташкилий ўзгаришлар эмас, балки маҳалла институтининг бутун фалсафаси янгиланаётганини кўрдим. Энди маҳалла муаммоларни мустақил ҳал қилиш имкониятига эга бўлган, ташаббус кўрсатадиган, ўз ҳудуди тараққиёти учун жавобгарликни зиммасига оладиган халқчил бошқарув институтига айланмоқда. Фармоннинг энг муҳим жиҳатларидан бири — маҳалланинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган мутлақо янги тизим жорий этилаётганидир. Хусусан, санитария қоидаларини бузганлик ва ноқонуний қурилишлар учун ундирилган жарималарнинг 10 фоизи, жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғидан тушумларнинг 15 фоизи (ҳозирда 10 фоиз), маҳалла ҳудудидаги майдони 5 минг квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағларнинг тўлиқ Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига йўналтирилиши ғоят муҳим қадамдир. Бу маблағлар маҳалланинг ўз муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, инфратузилмани яхшилаш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтиради. Энг муҳими, бу тизим маҳаллада масъулият ва ҳисобдорлик муҳитини кучайтиради.

Давоми 2-саҳифада.



НИҲОЛНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН
ЭККАН АВЛОД ҲЕЧ ҚАЧОН
ДАРАХТНИ СИНДИРМАЙДИ

5




МАҲЗУН НИҒОҲЛАРДА
ЁНГАН УМИД УЧҚУНИ —
КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ДЕГАНИ

6



“ВАЗИЯТ ОҚИЛЛИК БИЛАН
ЖИЛОВЛАНСА, ЖАЗОЛАШГА
ЎРИН ҚОЛМАЙДИ”

8



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Грузиянинг олий давлат мукофоти — “Олтин мўйна” ордени билан тақдирланди.



ЎЗБЕКИСТОН ва ГРУЗИЯ Поти ҳамда Батуми портлари салоҳиятидан фойдаланган ҳолда савдо ҳажмини оширади.



Давлат ташкилотларида архив ҳужжатларини АРХИВ АХБОРОТ ТИЗИМИДА САҚЛАШ тартиби белгиланди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“МАҲАЛЛА” АТАМАСИ ЮНЕСКО РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАДИ

Аюбхон ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи.

МАҲАЛЛА — МОДДИЙ ЭМАС, ИЖТИМОИЙ МЕРОС

Дунёда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг турли шакллари мавжуд. Аммо ўзбек маҳалласидаги каби инсон ҳаётининг деярли барча босқичларини қамраб олувчи, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, маънавий қадриятларни сақловчи тизим кам учрайди. Бола туғилишидан тортиб, унинг таълим олиши, касб танлаши, оила қуриши ва жамиятда муносиб ўрин топишигача бўлган жараёнларда маҳалла муайян даражада иштирок этади. Айни шу жиҳат унинг ноёблигини белгилайди.

Яна бир муҳим жиҳат: бугунги глобаллашув даврининг энг катта муаммоларидан бири — ижтимоий ёлғизлик. Кўплаб ривожланган мамлакатларда инсонларнинг бир-бири билан муносабати сусаймоқда. Қўшнилари бир-бирини танимайди. Кексалар ёлғиз қоляпти. Ёшлар виртуал муҳитда кўпроқ яшамокда. БМТ ва халқаро ташкилотлар ҳам ижтимоий бирдамлик масаласини XXI асрнинг муҳим қақриқларидан бири сифатида баҳолаётти.

Ўзбек маҳалласи эса асрлар давомида ана шу муамманинг табиий ечимини яратиб келган. Ҳашар қилиш, эҳтиёжмандга кўмак бериш, тўй ва маъракаларда бирлашиш, оғир кунларда елкадош бўлиш, ёшларни жамоа тарбияси орқали камолга етказиш — буларнинг барчаси маҳалланинг ижтимоий капиталини ташкил этади. Айнан шу жиҳат ЮНЕСКО учун муҳим аҳамиятга эга.

ЮНЕСКО РЎЙХАТИГА КИРИШ ҚАНДАЙ ИМКОНияТЛАР ЯРАТАДИ?

Биринчи навбатда — халқаро эътироф. Маҳалла инсониятнинг ноёб ижтимоий тажрибаси сифатида тан олинади. Бу Ўзбекистоннинг маданий нуфузини янада кучайтиради.

Иккинчидан — илмий қизиқиш ортади. Маҳалла институти халқаро олимлар, социологлар, антропологлар ва шаҳарсозлик мутахассисларининг тадқиқот объектига айланади.



Давоми. Бошланғич 1-сифада.

Маҳалланинг ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилиши фақат Ўзбекистон учун эмас, балки бутун инсоният учун муҳим воқеа бўлиши мумкин. Чунки замонавий дунёда одамлар ўртасидаги самимий муносабатларни сақлаб қолиш тобора долзарб вазифага айланимоқда. Маҳалла эса ана шу қадриятларни асраб келаётган, жамиятни бирлаштирувчи ва инсонни инсонга яқинлаштирувчи ноёб ижтимоий меросдир. Шу боис унинг ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос рўйхатида муносиб ўрин эгаллаши нафақат табиий, балки тарихий адолатнинг қарор топиши ҳам бўлади.

Учинчидан — туризм ва маданий дипломатия ривожланади.

Маҳалла маданияти, халқнинг кундалик ҳаёти, ҳашарлар, қўшничилик муҳити, миллий маросимлар ва жамоавий қадриятлар туризм жозибадорлигини оширади. Бу эса маданий дипломатиянинг янги имкониятларини яратади.

Тўртинчидан — миллий ўзлик мустаҳкамланади. Халқаро эътироф жамиятнинг ўз қадриятларига бўлган ишончини кучайтиради. Ёш авлод маҳаллага фақат маъмурий тузилма сифатида эмас, балки миллий мерос сифатида қарай бошлайди.

Кўмак ҳар кун керак, аммо меҳнат имконини бермоқ ундан яхшироқ

Малтан КАПАШОВ, Томди туманидаги “Шиели” маҳалласи раиси.

Давоми. Бошланғич 1-сифада.

резидент фармонида белгиланган ўзгаришлар бир қарашда иқтисодий асосдек кўринса-да, аслида, улар маҳалла бошқарувининг бутун мазмунини ўзгартиради. Чунки молиявий имконият бор жойда ташаббус пайдо бўлади, ташаббус бор жойда эса натижа ва жавобгарлик кучаяди. Энди “маҳалла еттилиги” ҳар бир сўмнинг қаердан келгани ва қаерга сарфланаётганини билиб, аҳоли олдида ҳисобдорлик тамойили асосида иш юритади.

Фикрларимни маҳалламиз мисолида давом эттирсам, ҳудуддаги ишлар самараси рақамларда ҳам, одамлар тақдирида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида ишсиз сифатида рўйхатда турган 16 нафар фуқаронинг барчаси, Ижтимоий реестрга киритилган 9 та оиланинг 4 таси доимий даромад манбаига эга бўлди.

Мисол учун, Танирбек Турғунбоев ҳамда Боғдавлат Рустамов “еттилик” ташаббуси билан Навоий кон-металлургия комбинатида ишга жойлаштирилди. Ҳудди шундай, Ортиқбой Қалмуродов ўзини ўзи банд қилди, Урхон Сарваровага эса чорвачилик учун имтиёзли кредит ажратилди. Қолаверса, оилага 5 та она-бола қўй ҳомийлик сифатида берилди. Турмуш ўртоғи Навоий кон-металлургия комбинатида ишга қабул қилинди.



ҲАМКОРЛИК

МАҲАЛЛАДА “GHETTO GAMES” КЎЧА ЎЙИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мутасаддилари ҳамда дунёдаги энг йирик ва нуфузли кўча спорти ҳаракатларидан бири — “Ghetto Games” асосчилари ўртасида Ўзбекистоннинг Латвия Республикасидаги элчихонасида муҳим учрашув бўлиб ўтди.

Айтиш керакки, мазкур мулоқот Уюшма делегациянинг 2025 йилда Латвияга амалга оширган хизмат сафари, шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев ҳамда Латвиянинг лойиҳа амбассадораси Анастасия Удалова билан учрашувининг манتيқий давоми бўлди.



Мулоқот чоғида “Ghetto Games” лойиҳасини Ўзбекистонда амалга ошириш, уни маҳаллалар ва ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш, спорт орқали ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Томонлар мазкур халқаро мусобақани Ўзбекистонда ташкил этиш бўйича ўзаро қелишувга эришдилар.

Таъкидланганидек, ушбу ҳамкорлик маҳаллаларда кўча спорти маданиятини ривожлантириш, минглаб ёшларни оммавий спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга хизмат қилади.

ОБОД ВА ФАЙЗЛИ ҒЎША

Туман марказидан қарийб 15 километр узоқликда жойлашган маҳалламизда бир неча йил аввал инфратузилма билан боғлиқ муаммолар анча жиддий эди.

Айниқса, ичимлик сув таъминоти аҳолини йиллар давомида қийнаб келган энг оғриқли масалалардан бири ҳисобланарди. Фуқаролар қарийб 22 йил давомида сувни махсус транспорт воситаларида ташиб келиб истеъмоЛ қилишга мажбур бўлган. Ўтган йили давлат дастурлари доирасида маҳалланинг ичимлик сув тармоғи тўлиқ реконструкция қилиниб, булоқ суви хонадонларга етказилди. Энг муҳими, сув таъминоти яхшиланиши аҳолининг томорқаларидан унумли фойдаланиши учун янги имкониятларни очди.

Маҳалла иқтисодиётидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири — қовракчиликнинг жадал ривожланганидир. Илгари аҳолининг асосий машғулоти чорвачилик бўлган бўлса, бугун қоврак етиштириш ва уни қайта ишлаш учун хомашё тайёрлаш даромадли йўналишга айланди. Доривор хусусиятга эга ушбу ўсимликка ташқи бозорларда талаб юқори экани маҳалла аҳолининг мазкур соҳага қизиқишини янада кучайтирди. Бугун маҳалладаги деярли ҳар бир хонадон қовракчиликдан муайян даромад оляпти.



Абдусалим ЭГАМШУКУРОВ, Деҳқонобод туманидаги Қодир бахши Раҳимов номидаги маҳалла раиси.

Томорқа даромадга, қовракчилик тараққиётга хизмат қиляпти

Хонадонларда қурилган махсус ҳовузларда йиғилган ёмғир сувларни томорқаларни суғоришга йўналтирилади. Илк бор 15 та хонадонда синов тариқасида бошланган мазкур тажриба қисқа вақт ичида ўз самарасини берди. Бугун эса аксарият хонадонлар ушбу усулдан фойдаланимоқда.

Мисол учун, Қудрат Солиевнинг фаолияти бу борада ибратли тажрибалардан бири ҳисобланади. У ўз томорқасида қоврак ва бодом етиштиришни йўлга қўйган. Ёмғир сувларини йиғиш учун махсус ҳавза қурдириб, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этган. Ана шу ёндашув самарасида ўтган йили оила 200 миллион сўм даромад олди.

Бир пайтлар асосий муаммоси сув танқислиги бўлган маҳалла бугун меҳнат, ташаббус ва тадбиркорлик орқали ўз тараққиёт йўлини топган. Томорқалар даромад манбаига, сув эса фаровонлик омилига айланган.

Бу каби мисоллар бизга бир ҳақиқатни кўрсатмоқда: инсонга тайёр ёрдам беришдан кўра, унга меҳнат қилиш имкониятини яратиб бериш муҳимроқдир. Чунки меҳнат инсонда ўз кучига ишонч уйғотади. Ана шунда у нафақат давлат кўмагига муҳтож бўлмайди, балки жамият тараққиётига ҳисса қўшувчи фаол фуқарога айланади.

Маҳалламизнинг яна бир муҳим ютуғи — бу жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудуд эканидир. Бу натижа бир кунда қўлга киритилгани йўқ. Айримлар бундай натижани тасодиф, деб ўйлаши мумкин. Аммо бунинг ортида ҳар кун олиб бориладиган тизимли меҳнат, доимий мулоқот ва ўзаро ишонч мужассам.

Мақола бошидаги фикримизга қайтсак. Назаримда, Президент фармонининг энг муҳим аҳамияти ҳам шу — маҳалла муаммолар ҳақида хабар берувчи тузилмадан уларни ҳал қилувчи, одамлар ҳаётини ўзгартира оладиган ҳақиқий халқчил институтга айлантирилади. Демак, бугун маҳалла тизимида бошланган ўзгаришлар эртанги Янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфасини белгилайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Ўзбекистоннинг олтита худуди **ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА** соҳасини ривожлантиришга ихтисослаштирилади.



Аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси сони 39 МИЛЛИОН 47 МИНГ 321 НАФАРНИ ташкил этди.



Ўзбекистонда чарм ва пойабзал ишлаб чиқарувчиларга **СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ, ЯНГИ СУБСИДИЯЛАР** берилади.

2026 йил
4 июль,
ШАНБА

Mahalla №53

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

КАМБАҒАЛЛИК ЧЎНТАКНИНГ БЎШЛИГИДАН ЭМАС, ИНТИЛИШНИНГ ЙЎҚЛИГИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ

Маҳалламизда яқингача деҳқончилик ва боғдорчилик “ўсиш нуқта” ҳисобланар эди. Аммо замон ўзгаряпти, бугунги кунда фақатгина анъанавий деҳқончилик, боғдорчилик билан чекланиб қолиш камбағалликни қисқартиришга ва ёшларимизни иш билан таъминлашга етарли бўлмайди. Шу сабабли қандай қилиб уйда ўтирган аёлларимиз ва мавсумий ишловчи ёшларимизга барқарор даромад манбаини яратиб бериш мумкинлиги ҳақида кўп уйлади.

Ҳафизилло ҒИЁСОВ,
Янгийўл шаҳридаги
“Боғбон” маҳалласи раиси.

Бу саволга “еттилик” ходимлари билан бирга жавоб топдик. Кўчни иккита асосий “драйвер”ни ривожлантиришга сарфладик. Оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ва касаначилик (уйда туриб ишлаш) тизимини йўлга қўйдик.

Маҳалламизда тонналаб сархил мевалар етиштирилади. Аммо куз ва қиш мавсумида уларнинг нархи тушиб кетар ёки нобуд бўларди. Ҳоким ёрдамчиси “хонадонбай” юриб, ушбу муаммони тизимли ўрганди. Шу асосида ечим таклиф қилди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилиб, меваларни узоқ муддат сақлаш имконияти яратилди.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” таъминоти асосида янги иш ўринлари яратилган эришдик. Маҳалладошимиз Қаҳрамон Пўлатов уста деҳқон сифатида хонадонларга бириктирилди. Эътиборлиси, ички бозордан ортиган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинган. Бу ташаббус орқали 150 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Хунармандчиликни ривожлантириш эвазига яна 75 та иш ўрни яратдик.

Фарзанд тарбияси ва оилавий шароити сабаб уйда ўтириб қолган опа-сингилларимиз ҳам эътибордан четда қолмади. Тикувчилик кооперациялари ташкил этиб, уларнинг бандлигини таъминладик. Яъни, йирик тўқимачилик корхоналари ва тадбиркорлар билан келишган ҳолда, касаначилик асосида хотин-қизларимизнинг уйларига замонавий тикув машиналари ўрнатиб бердик. Хом ашё уйигача олиб келинадиган, тайёр маҳсулотни эса ўзимиз йиғиб оламиз. Натижада хотин-қизлар уй юмушидан ортиб, ойига миллионлаб сўм соф даромад топмоқда.



Гувоҳ бўлганингиздек, имтиёзли кредитларни шунчаки тарқатмадик, балки ҳар бир сўм аниқ даромад келтирадиган лойиҳаларга йўналтирилди. Кўчаларни айлансам, тикув машиналарининг бир маромдаги овози, мева қуритиш корхонасидаги иш жараёни кўнглимга юпанч ва далда беради.

МУАММО ВА ТАКЛИФ

ИМТИЁЗ АЖРАШГАНЛИК УЧУН ЭМАС, ИЖТИМОЙ ҲОЛАТИГА КЎРА БЕРИЛСА...

Ёхуд аёл эрсиз ҳам бахтли яшаши мумкинми?

МЕНДА САВОЛ БОР...

Носиржон СУЛТОНОВ,
Нурота тумани:

— Мен хусусий корхона раҳбариман. Икки ой аввал фаолиятимиздаги айрим камчиликлар сабабли молиявий жарима қўлланди. Агар белгиланган маблағни вақтида тўласак, жарима миқдори камайтирадилми?

МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАНИ ТЎЛАШДА ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ БОР?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Албатта, камайтиради. “Молиявий жарималарни қўллаш тартибини янада либераллаштириш ва суд назорати самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, бу масалада тадбиркорларга қатор енгиллик ва имтиёз тақдим этилди.

Вакolatли органларнинг молиявий жаримани қўллаш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб, 1 ой муддатда 50 фоизини ихтиёрий равишда тўласа, қолган қисmini тўлашдан озод этилади. Шунингдек, қўлланган молиявий жарима суммасини 6 ой давомида тенг миқдорларда бўлиб-бўлиб тўлашга ҳам рухсат берилди.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

...Дилноза исмли аёл ажрашгандан сўнг ижтимоий тармоқларда фаоллашди. У ўз саҳифасида “Эрга қарам бўлишдан кутулдим, мана ўзим ҳам бола боқа оламан”, деб видеолар жойлади. Ажрашишни эркинлик ва муваффақият сифатида кўрсатди.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

Натижада уни кузатаятган ва оиласида кичик келишмовчилик бўлаётган бошқа ёш аёллар ҳам “мен ҳам Дилнозадек яшай оламан”, деган хато хулосага келишига сабаб бўлди...

Ҳа, бу каби айрим аёлларнинг “эрсиз ҳам бахтли яшаш мумкин”, “ўзинг учун яша” қабилидаги чиқишлари сабаб ёлғиз оналикни макташ анъанага айлана бошлади. “Ажрашган аёл зўр яшайди”, деган фикр шаклланимқода.

Хўш, нега давлатнинг ёлғиз оналар ва ажрашган аёлларга кўрсатётган ғамхўрлиги оилани сақлаб қолишга бўлган интилиш, деб эмас, рағбат сифатида кўрилмоқда?

Миллий статистика кўмитасининг ҳисоботига кўра, 2025 йилда республикада 37,5 мингга ажралиш ҳолати қайд этилган. Бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан кўп. Муаммонинг илдизи, омилларини таҳлил қилсак, бир нечта психологик ва иқтисодий сабаблар ётганини кўрамиз.

Биринчидан, ижтимоий имтиёزلарни айримлар нотўғри талқин қилиб, уни доимий рағбат сифатида баҳоламоқда. Яъни, давлат ёлғиз оналар ва ажрашган аёлларга бераётган субсидиялар, имтиёзли уй-жойлар ва моддий ёрдамлар оилавий инқироз пайтида “суянци” вазифини уятапти. Аммо бу ижтимоий ҳимоя базиси аёлларда “Оилам бўл-маса ҳам давлат боқади, уй беради, қийналмайман”, деган нотўғри тушунчани шакллантириб қўймоқда.



Яна бир омил — ижтимоий тармоқлардаги “Мустақил ва бахтли ажрашган аёл” образи реал ҳаётдаги қийинчиликларни ҳас-пўшлаб, ёш қизларда сохта ҳавас уйғотмоқда.

Энг оғриқли нуқта — кўп ҳолларда эркаклар оила бошлиғи сифатида ўз вазифасини бажара олмаётган. Алимент тўлашдан бўйин товлаш ёки арзимаган пул билан қутулиш оддий ҳолга айланмоқда. Бу эса аёлни эрдан умид ўзиб, тезроқ мустақил бўлишга ундамоқда. Арзимаган маиший муаммолар, қайнона-келин келишмовчиликлари ёки ижтимоий тармоқлардаги рашқ сабабли осонгина оилага нуқта қўйилмоқда.

Таклифим — муаммога ечим сифатида ижтимоий ёрдам ҳақиқатда муҳтожларга етиб бориши учун имтиёزلарни фақат “ажрашганлик” факти учун эмас, балки боқувчисини йўқотганлик, ногиронлик ёки оғир ижти-

моий вазиятга қараб бериш лозим. Ажрашган соғлом аёлга тайёр уй ёки пул бериш ўрнига, уни касбга ўқитиш ва иш билан таъминлаш дастурларига йўналтириш тўғриси бўлади.

Яраштириш комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш керак. Тан олайлик, бугун бу комиссиялар номига, расмийчилик учун ишлаётган ҳам кузатилмоқда. Муаммага ечим сифатида профессионал оилавий психолог ва медиаторларни жалб этиш, камида 3-6 ой давомийда мажбурий тартибда ишлашни йўлга қўйиш лозим. Муаммо иқтисодий бўлса — иш топишга, психологик бўлса — тушқунликни енгишга қўмаклашилса, самарадорлик ортади.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Бу лавозимга тайинланган илк кунларимдан халқ ичига кириб, уларнинг яшаш тарзи, муаммолари билан танишдим. Ваколатим доирасида қўмаклашдим. Дастлабки таҳлиллар натижасига кўра, олдимда турган вазифаларни англаб етдим.

Нега узум пишгунча ер бўш туриши керак?..

ТОШКЕНТ В.

Козимжон СОБИРЖОНОВ,
Пискент туманидаги
“Мингтепа” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Яъни, одамларга пул бериш эмас, балки ўз хонадонида туриб даромад топиши учун шароит яратиш кераклигини тушундим. Дарҳақиқат, бу ерда меҳнатқаш, ер тилини билладиган инсонлар яшайди. Шу боис биз ишни узоқдан эмас, айнан ердан — “Мингтепа”нинг бош “драйвери” — узумчиликни ривожлантиришдан бошладик.

Аслида ҳам, тоқзорлар ораси яширин хазина қони. Яъни билган киши тоқ остидаги ердан катта фойда олиши мумкин. Лекин ҳар бир хонадонда узумзор бўлса-да, негадир ости бўш ётарди. Шу боис “Нега узум пишгунча ер бўш туриши керак?”, деган саволни ўртага ташладик. Табиийки, бу саволга биргалишиб жавоб топдик.



Энг муҳими, келажакимиз бўлган ёшлар учун маҳалланинг ўзида замонавий ўқув марказлари ташкил этилди. Энди фарзандларимиз илм ва касб ўрганиш учун туман марказига бориб юриши шарт эмас.

Ҳозир маҳалладошлар билан ердан фойдаланишнинг энг самарали усулини қўллаяпмиз. Катта тоқзорлар орасидаги бўш майдонларга иқлимга мос қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари — қўкатлар, сабзавотлар ва поллиз экинлари экяпмиз. Бу — ердан, бир мавсумда икки баробар кўп даромад олиш имконини берапти. Одамларимиз узумдан ҳам, унинг тагида пишаётган маҳсулотдан ҳам фойда қўрапти. Ҳар бир қарич ер биз учун иш ўрни ва ризқ манбаига айланди.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда фақат деҳқончилик билан чекланиб қолмадик. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ҳар бир хонадоннинг имкониятини ўрганиб, аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқдик. Қўпчилик маҳалладошларимизга имтиёзли кредит ажратилишида қўмакчи бўлдик. Натижада аёлларимиз учун тикувчилик корхонаси очилди, улар уйдан чиқмай рўзгор тебратяпти.

Миллий қадриятларимизни тиклаб, янги нон ва пишириқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйдик. Чорвачиликни кенгайтириб, гўшт ва сут маҳсулотларини етиштиряпмиз.

Менинг кундалик фаолиятим фақат рақамлар ёки ҳисоботлардан иборат эмас. Энг катта туғим — кечагина ишлаш иштиёқи бор-у, лекин йўлини топа олмаётган маҳалладошимнинг бугун ўз тадбиркорлигини бошлаб, юзида ишонч пайдо бўлганидир. Хонадонларга кириб, уларнинг даромади ошаётганини кўрганимда, маҳалла ҳақиқатан ҳам уларнинг таъиницага айланаётганини ҳис қиляпман.



Ўзбекистонда аҳолининг 4,8 миллион нафари КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДАГИ ХОНАДОНЛАРДА истиқомат қилади.



2026 йилнинг дастлабки 6 ойида 66 мингдан ортиқ аёлга ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ НАФАҚАЛАРИ учун 772 миллиард сўм маблағ ажратилди.



Техникумда дуал таълимда ўқитганларга СТИПЕНДИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ белгиланди.

4

Mahalla

№53

2026 йил
4 июль,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Ёшлар куни муносабати билан тақдирланганлар сафида эканимдан жуда бахтлиман. Бу учрашув ва кўксимга қадалган “Келажак бунёдкори” медали мен учун жуда катта маънавий масъулиятдир. Мукофотни устозларимнинг берган таълими ва жонажон жамоамизнинг менга бўлган ишончи самараси, деб биламан.

“ИЧКИ ХОҲИШ КУЧЛИ БЎЛСА, МАРРАНИ ЗАБТ ЭТИШ ОСОН”

Лобархон ХЎЖАМБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 2-босқич курсанти.

Бугун юртимизда хотин-қизлар, айниқса, ҳарбий соҳани танлаган аёллар учун ёпиқ эшикларнинг ўзи қолмади. Асосийси, ички хоҳиш кучли бўлсин. Тинимсиз меҳнат ва берилаётган бу тарихий имкониятларни вақтида англаб, улардан юрт равнақи йўлида фойдалана билишдир.

Спортга келсак, бошланғич синфдан қаратэ билан шуғулланаман. Кўплаб халқаро аре-налар, Осиё ва жаҳон чем-пионатларида қатнашдим. Ҳалабаларим жисмоний куч ва матонат меваси саналади. Давлатнинг асл ва узоқ муд-датли қудрати илм-фан, юқори технологиялар ҳамда инсон капиталида акс этади. Шу сабабли, кейинги стратегик мақсадимни илмий фаолиятга қаратяпман.



Магистратура босқичи-да таҳсилни давом этти-риб, мамлакатимиз ри-вожи учун зарур бўлган йўналишларда тадқиқот-лар олиб бормоқчиман. Назаримда, замон билан ҳамнафас бўлган ҳарбий аёл нафақат жисмонан бақувват, балки юксак интеллектуал салоҳият-га ҳам эга бўлиши шарт. Спорт ва санъат эса ме-нинг дунёқарашимни бо-йитувчи ажралмас қисм бўлиб қолаверади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“ФАОЛ БЎЛМАСАК, ФАРОВОНЛИК ОРЗУ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ”

Инсон борки, ҳаммасининг ўзига яраша феъл-атвори ва қарашлари бўлади. Уларнинг кўнглига йўл топиш, дардларига қулоқ тутиш эса катта маҳорат ва сабр талаб қилади. Бу масъулиятни маҳалла тизими-га келиб янада чуқурроқ англаб етдим.



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Ёшлар куни муносабати билан бир гуруҳ фаол ва иқтидорли ёшлар муносиб тақдирланди. Улар орасида фарғоналик ўзига хос иқтидор эгаси Дилафрузхон Жўрабоева ҳам бор.

ДИЛАФРУЗХОН ЖЎРАЕВА...



Дилафрузхон Жўрабоева 2024 йилда “Microsoft” компаниясининг Ўзбекистондаги илк вакили сифатида этироф этилган. Шунингдек, у АҚШнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири — “Rice” уни-верситетига 420 минг доллар миқдоридаги тулик грант асо-сида қабул қилиниб, мазкур университетда таҳсил олаётган илк ўзбекистонлик талабага айланган.

2026 йилда эса у мамлакатимиз-нинг энг юксак эътирофларидан бири ҳисобланган Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Эркин дастурий таъминот муҳандиси, шунингдек, “MehrGo” лойиҳаси асосчиси сифатида Дилафрузхон Жўрабоева ҳалқаро танлов ва лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этиб, қатор нуфузли ютуқ ва совринларни қўлга киритиб келмоқда. Унинг эришган юқори натижалари, халқаро таълим май-донидидаги муваффақиятлари ҳамда етакчилик салоҳияти минглаб ёшлар, айниқса, қизлар учун муносиб намуна демак.

ТОШКЕНТ В.

Фозилжон КАРИМОВ,
Чиноз туманидаги
“Пахтаобод” маҳалласи раиси.

Бир йил аввал раис лавозимига сайланганимда, ходимларда биро-роз сусткашликни сездим. Муаммо ва камчиликлар ҳам етарли эди. Барчасини ижобий томонга ўзгартириш учун куну тун тиним билмай ишладик. Профилактика инспектори би-лан уйма-уй юриб, жиноятчи-лик ва ҳуқуқбузарлиқнинг ол-динчи олиш чоралари кўрилди. Хотин-қизлар фаоли эса оила-лар мустаҳкамлигини таъмин-лаш, ажрашишларга барҳам бериш борасида анча ҳаракат қилди. Қолаверса, камбағал-ликни қисқартириш, аҳолининг

фаровон турмуш кечиришини таъминлаш учун тизимли тад-бирлар давом этяпти. Айни вақтда барча кўрсат-кичлар бўйича “яшил” худуд-миз. Бирор натижага эришиш осон эмас, лекин уни ушлаб қолиш ҳаммасидан муҳим. Биз ҳам айни ёндашув асосида яна-да самарали меҳнат қилишга киришганимиз. Яқинда ёнимиздаги “Ёшлик” маҳалласи ҳудудимизга қўшиб берилди. Бу эса иш ҳажми ва қўламини анча оширди. Аввало, аҳоли вакиллари билан яқин-дан танишдик. Уларнинг фао-лият йўналиши ва қизиқишля-рини ўргандик. Энди барчамиз бир мушт бўлиб, жамият рав-нақи йўлида олға интиляпмиз.

Фаолиятимизнинг асосий йўналишля-ридан бири — эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш. Кўни кеча 2 нафар фарзандида ногиронлик мавжуд бўлган оиллага бир қатор хизматлар кўрсатил-ди. Биринчи навбатда, Ижтимоий ре-естрга киритилиб, керакли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Оила бошлиғини “Тоза ҳудуд”га доимий ишга жойлаштирдик. Аёли эса савдо-сотик билан шуғулланыпти. 4 нафар фарзанд бувисининг қарамоғида. Хонадон ва-киллари тез орада камбағалликдан чиқаришни режалаштирганмиз.

Маҳалламизда муҳтож ки-шиларни қўллаб-қувватлашга доим шай турадиган саховатпе-ша ҳомийлар жуда кўп. Шулар-дан бири Комижон Турсунов бўлиб, қийналган оила вакил-ларига доим озиқ-овқат ва кийим-кечак етказиб беради. Айни вақтда ҳудудимиз-да таъмирлаш ишлари авжига чиққан. 1976 йилда қурилган

7 та кўп қаватли уй янгилан-япти. Бунда хонадонлардаги иситиш тизими ўзгартирила-ди, бинонинг ташки фасади-га ишлов берилди. Бугун амалга ошириляётган ҳар бир эзгу иш ортида инсон-ларнинг бахтли яшаш мақсади мужассам. Бу йўлда бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз қўшила-ётганидан хурсандимиз.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Маҳалламизда чевар аёллар жуда кўп. Ёш қизларимиз-нинг эса хунар эгаллашга иштиёқи баланд. Кекса она-хонлар набираларини ёнига олиб, оддий тугма қадашдан ўзлари учун бежирим либослар тикишгача ўргатишади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу анъана тарбияда ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

БАХТГА ТЕНГЛИК БИЛАН ЭМАС, БАҒРИКЕНГЛИК БИЛАН ҚАРАНГ ...

Манзура ТУРҒУНОВА,
Қўрғонтепа туманидаги
“Дехқонобод” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Турмуш қуриш бўсағасидаги ёшларимиз тўла-тўқис оила масъулиятини зиммасига олиши, рўзгор юмушларини беамалол саранжомлаши биз учун жуда муҳим. Бугун айни шу оилалар мустаҳ-камлигини таъминлаш масаласи доимигидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Йигит-қизларимиз ўз ҳақ-хуқуқларини яхши англагани ҳолда оилادا ҳам шунинг учун ку-рашаётгани кишини ўйга толдира-ди. Айниқса, аёллар орасида сўнгги нуқтани қўйишдан хайиқмайдиган,

фарзандлари тақдирини тахликага қўяётганлар кўп учраяпти. Аслида, бахтга тенглик билан эмас, бағри-кенглик билан эришилади. Утган йили ҳудудимизда 5 та ажрашиш қайд этилди. Сабабларни тахлил қилганимизда, турли ҳолат-ларга дуч келдик. Фарзандсизлик, учинчи шахс аралашуви, ичкилик ва зўравонлик каби омиллар қанча-дан-қанча болаларни тирик етимга айлантирмоқда. Жорий йилда мазкур кўрсаткич-ни яхшилашга ҳаракат қиляпмиз. Уринишларимиз самараси ўлароқ, фақатгина битта ажрашиш қайд этилди. Эр-хотин йигирма йилдан буён бирга яшамас, шаръий никоҳ асосида бошқа оила қуриб кетиш-ган эди.

Баъзан низо келиб чиққан оилаларни яраштириш асносида ҳаёлимдан бир фикр ўтади. Қанийди, тинч-тотув яшаётган ёшларнинг ўртасига нифоқ солаётган, тирноқ орасидан кир қидираётган учинчи шахслар учун қандайдир қонуний чора ишлаб чиқилса...



Сахифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

Жорий йилда йирик бир лойиҳага қўл урдик. Узоқ йиллар хорижда тажриба ва малака ошир-ган Ғулбаҳор Матмусаева ҳудудимизда арқон-дан арғимчоқ тўқишни бошлади. Махсулот тезда харидорлар диққатини тортди, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтирдик. Шу кунга қадар яна 4 нафар хотин-қизнинг ҳунаромандга шоғирд ту-шиб, меҳнат қилишини таъминладик. Келгусида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтир-моқчимиз. Аёлларимизнинг ўз оиласи бағрида, бахтли турмуш кечириши, қизикқан соҳасида фаолият олиб бориши бевосита жамият равнақи-га ҳам таъсир кўрсатади. Шундай экан, опа-сингилля-римиз учун барча шароитларни яратиб бериш-дан фақат завқ туянимиз.



Давлат
ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ
МАГИСТРАТУРАСИГА
хужжат қабул қилиш
бошланди. Жараён
30 июлгача
давом этади.



Жаҳон банки
Ўзбекистонга
БОШЛАНҒИЧ
ТАЪЛИМНИ
ЯХШИЛАШ УЧУН
100 миллион
доллар
ажратади.



Энди
ХУСУСИЙ
СЕКТОР БУЮРТМАСИ
асосида ҳам
“Эл-юрт умиди”
жамғармаси орқали
хорижда ўқиса
бўлади.

2026 йил
4 июль,
ШАНБА

Mahalla №53

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилором ҲАЙИТБОЕВА. Сирдарё вилояти:

— Субсидия хабарномасини олганман, аммо ҳозирча ўзимга мос хонадон тополмадим. Дастлабки бадал учун йиғилган пулни уй сотиб олганимча банкка қўйиб кўпайтириш имконияти борми? Бунда субсидия маблағи ҳам шу омонат ҳисобварағига ўтказиладими?

Субсидияга фоиз ҳисобланадими?

Қосим ОЛЛОЁРОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар Сизга уй-жой сотиб олиш учун дастлабки бадал бўйича субсидия хабарномаси берилган бўлса, эндиликда уй топунингизга қадар маблағларингизни мақсадли ипотека омонати ҳисобварағида сақлаш ва улардан қўшимча даромад олиш имконияти мавжуд.

Бунинг учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати давомида ўзингиз танлаган тижорат банкига мурожаат қилиб, мақсадли ипотека омонати ҳисобварағини очишингиз мумкин. Ҳисобварақ очилгандан сўнг, Сиз дастлабки бадалнинг ўз маблағингиз ҳисобидан тўланадиган қисмини ушбу омонат ҳисобварағига жойлаштирасиз. Шундан кейин банк "subsidyplatform.mf.uz" платформаси орқали дастлабки бадал субсидиясини мазкур ҳисобвараққа ўтказиш юзасидан буюртманома юборади. Буюртма асосида субсидия маблағи Сизнинг ипотека омонати ҳисобварағингизга ўтказилади.

Муҳим жиҳати шундаки, ҳисобварақдаги маблағларга улар келиб тушган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобварақ ёпилгунга қадар бозор ставкаси асосида фоиз ҳисобланади. Демак, Сиз уй-жой танлаш жараёнида маблағларингизни шунчаки сақлаб турмайсиз, балки улардан фоизли даромад ҳам оласиз. Агар кейинчалик ипотека кредити ажратилиши рад этилса, Сизнинг шахсий маблағларингиз ва уларга ҳисобланган фоизлар ўзингизга қайтарилади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

НИҲОЛНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ЭККАН АВЛОД ҲЕЧ ҚАЧОН ДАРАХТНИ СИНДИРМАЙДИ

Ёшлар билан ишлашни бошлаганимда маҳалланинг эртанги куни айнан уларнинг бугунги тарбиясига боғлиқ эканини тушундим. Шунинг учун ҳар куни ўзимга: “Бугун қайси ёшнинг ҳаётида ижобий ўзгариш қила олдим?” деган саволни бераман.

Алишер АБДУҚОДИРОВ,
Мирзачўл туманидаги
“Ўзбекистон” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Кувонарлиси, қилаётган меҳнатларимиз бесамар кетмаяпти. Маҳаллаимизнинг иқтидорли ёшлари бугун республика мусобақаларида қатнашяпти. Масалан, ёшларимиз футбол бўйича ДХХ кубоги учун ўтказилган турнирда кетма-кет тўрт марта республика чемпиони бўлишди. Шундай пайтларда “чекка ҳудудда имконият йўқ”, деган гапларга ишонмай қўйдим. Имконият бор, аслида, фақат уни ёшларнинг ўзигача етказиш керак.

Бугун маҳаллаимизда бунинг учун шароит ҳам яратилган. 120 нафарга яқин ёш олий таълимда ўқияпти. Маҳалла биносида кутубхона, шунингдек, тил ва фан курслари ташкил қилинган. Ёшларга фақат “ўқинг, изланинг”, деб айтишнинг ўзи камлик қилади. Аввало, ўзингиз ҳам уларга намуна бўлишингиз керак. Шу ниятда турк тили бўйича сертификат олдим. Буни кўрган ёшлар: “Агар етакчимиз ўқиётган экан, биз ҳам ҳаракат қилишимиз керак”, деб ўз устида ишлай бошлайди.



“Ташаббусли бюджет” лойиҳаларида кетма-кет ғолиб бўлганимиз натижасида йўллар таъмирланди, ёшлар учун стадион қурилди. Маҳаллаимизда, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик ривожланган. Шуни ҳисобга олиб, ёшларни айнан шу йўналишларда қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз. Ер ажратяпмиз, имтиёзли кредитлар олиб берапмиз. Масалан, Ҳилола Холиқовага паррандачилик учун 33 миллион сўм кредит ажратилди. Бугун у оиласи билан 200 га яқин товۇқ парваришлаб, ўз меҳнати билан даромад топяпти.

Мени энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири — ёшларнинг табиатга муносабати. Ҳозир мактабимиз республикадаги энг экологик тоза муассасалардан бирига айланиш учун ҳаракат қиляпти. Ер шўр бўлишига қарамай, мактаб атрофи қўқаламзорлаштирилган. Ҳар бир ўқувчининг ўз қўчати бор. Уни ўзи экади, сугоради ва парвариш қилади.

Бизнинг болагигимизда ҳам мактабда “синф бурчаги”, деган анъана бор эди. Ҳар бир синф ўз ҳудудига гул экарди, дарахт ўтқазарди, ерини юмшатарди. Кимнинг бурчаги чиройли бўлса, рағбат ҳам оларди. Ушанда буни оддий иш, деб билардик. Аслида эса шу орқали меҳнатни, табиатни севишни ўрганган эканмиз. Ҳозир эса айрим жойларда бу одатлар унутилиб боряпти. Баъзи ёшларнинг дарахтни синдириши ёки ўсимликларга бефарқ қарашини кўрсам, қалбим оғрийди. Назаримда, ўқувчилар улғайган сари айримларида табиатга нисбатан меҳр ва масъулият ҳисси сусайиб бормоқда.

Шу боис таклифим бор. Японияда болалар биринчи синфданок ўзига бир донна ниҳол ёки гулни бириктириб олади. Уни ўзи экади, ҳар куни сугоради, барглари ёзилаётганини кузатади. Ўқитувчи фақат йўл кўрсатади, аммо ниҳолнинг эгаси боланинг ўзи бўлади. У қўриб қолмаслиги учун масъулиятни ҳис қилади, уни эҳтиёт қилади.

Мен жуда хоҳлардимки, шундай одат бизнинг мактабларда ҳам кенг йўлга қўйилса. Ҳар бир боланинг ўз ниҳоли, ўз дарахти бўлса. Уни ўз қўли билан экиб, парвариш қилса. Шунда биз эртага уларга: “Дарахтни синдирма”, “Табиатни асра”, деб қайта-қайта насихат қилишимизга ҳожат қолмасди. Чунки улар буни ўзи ҳис қилиб улғаяди. Ишонаманки, табиатни севиб катта бўлган бола Ватанини ҳам севади, меҳнатнинг қадрига ҳам етади. Ана шундай ёшлар кўпайса, маҳаллаимизнинг ҳам, юртимизнинг ҳам келажаги янада порлоқ бўлади.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

“Обод таълим” чинакам билим даргоҳига айланыпти


Баъзан катта ўзгаришларни амалга ошириш учун биргина ташаббуснинг ўзи етарли бўлади. Энг муҳими, инсоннинг қалбида Ватанга фойда келтириш истаги, ўз маҳалласига дахлдорлик ҳисси ва эзгу мақсад бўлса бас.



Исломбек Муҳаммаджонов мазкур лойиҳа фаолиятини Германиянинг нуфузли компаниялари билан тузилган халқаро шартномалар асосида глобал бозорга олиб чиққан. Ушбу самарали ташаббус натижасида “Обод” маҳалласи ёшлар ўртасида иссиқлик ва жиноятчилик ҳолатлари кузатилмайдиган ҳудудлардан бирига айланди.

ТАШАББУС

Чортоқ туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳаллада замонавий капсула кутубхонаси — “Ёшлар зиё маскани” фойдаланишга топширилди.



чилиш маросимида бундай инновацион билим масканлари ёшларни китоб мутолаасига кенг жалб этиш, уларнинг дунёқараши ва тафаккурини бойитиш, интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътироф этилди.

Капсула кутубхонаси бадиий адабиётлар, жаҳон ва ўзбек классик асарлари, илмий-оммабоп ҳамда шахсий ривожланишга оид сара китоблар билан таъминланган. Шунингдек, ёшлар учун барча замонавий ва қўлай шароитлар яратилган бўлиб, улар бу ерда эркин мутолаа қилиши, билим ва кўникмаларини бойитиши, изланиши ҳамда мазмунли вақт ўтказиши мумкин.



“Ёшлар зиё маскани” эндиликда нафақат кутубхона, балки ёшларнинг ўзаро фикр алмашуви, янги ғоялар устида ишлаши ва интеллектуал ривожланиши учун хизмат қиладиган замонавий маърифат маркази вазифасини ҳам бажаради.

Бу каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши китобхонлик маданиятини юксалтириш, билимли ва ташаббускор авлоднинг тарбиялаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Ана шундай ёшлардан бири Фарғона туманидаги “Обод” маҳалласи ёшлар етакчиси Исломбек Муҳаммаджоновдир. У оддий бир ғояни амалий ҳаракатга айлантириб, бугун юзлаб ёшларнинг ҳаётида бурилиш ясашга эришди.

Исломбек Муҳаммаджонов ўз маблағи ҳисобидан контейнер сотиб олиб, уни таъмирлади ва шу ернинг ўзида “Обод таълим” ўқув марказини ташкил қилди. Бугун ушбу марказ орқали 600 нафардан ортиқ ёш замонавий касблар ва хорижий тилларни бепул ўрганиш имконига эга бўлди. Айни пайтда бу ерда бадийи безак, веб-дизайн, компьютер саводхонлиги ва инглиз тили бўйича машғулотлар ўтказиляпти. Энг муҳими, таълим олган ёшларнинг аксарияти мустақил даромад топишни бошлаб, ҳаётда ўз ўрнини топмоқда.

— Бу ғоя бир кунда пайдо бўлмаган, — дейди Исломбек Муҳаммаджонов. — Ҳаёлимда контейнер асосида ўқув маркази очиш нияти билан қарийб бир ярим йил изландим. Контейнерни сотиб олгач, уни қаерга жойлаштириш энг катта муаммага айланди. Шу мақсадда кўплаб идораларга мурожаат қилдим, бироқ айримлар бу ерда ўқув маркази эмас, савдо дўкони, маиший хизмат кўрсатиш маркази очишим мумкинлигини айтишди, холос. Шу боис муносиб жой топиш осон кечмади. Шўқрки, “маҳалла этилиги” билан бу ташаббусни амалга оширишга эришдик.

Аслида ҳам, ўқув маркази учун унинг ҳажми эмас, берган имконияти муҳим. Контейнер кичик бўлса-да, бу масканда юзлаб ёшлар бепул билим олишига шароит яратилди, касб ўрганиши ва келажагини бунд этишига кўмак берилляпти.



Ҳар бир вазир,
тармоқ раҳбари ва
ҳокимлар
“1 МИНГТА МАСАЛАГА —
ЁШЛАРДАН
1 МИНГТА ЕЧИМ”
лойиҳасини ишга
туширади.



“Келажак
муҳандислари” халқаро
фестивали ғолиби
Айзада Асанова
ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ
— “VOLKSWAGEN”
ЭЛЕКТРОМОБИЛИ
билан тақдирланди.



Ўзбекистонда
савдо ва хизмат
кўрсатиш объектлари
учун ЯГОНА
“UZQR” ТЎЛОВ
ТИЗИМИ
ишга тушди.

6

Mahalla

№53

2026 йил
4 июль,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ
БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

БУХОРО

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ —
ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Бугун Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш тамойили ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, маҳаллаларда фаолият юритаётган ижтимоий ходимларнинг сатъ-ҳаракати эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳаётида туб бурилиш ясаяпти.

“Ҳар бир кўмак ортида инсонларнинг ижтимоий фаоллиги бор”

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

Бухоро туманидаги “Работикалмоқ” маҳалласи ана шундай эзгу ишлар амалда намоён бўлаётган масканлардан бири. Худудда 9 470 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 214 нафари ногиронлиги бўлган шахс, 27 нафари етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, 3 нафари ёлғиз кекса ҳисобланади. Ушбу тоифадаги фуқаролар билан манзилли ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатишда маҳалла ижтимоий ходими Зарина Темирова-нинг ташаббускорлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўқинда унинг ғояси билан маҳалла биносидида эҳтиёжманд оила фарзандлари учун кутубхона ташкил этилди. Бу ерда болалар бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда, китоб мутолаа қилиш орқали билим ва дунёқарашини бойитмоқда.

Маҳалла фуқароларидан бири Дилбар Нурова мактабгача таълим ташкилотида логопед бўлиб ишларди. Бироқ оладиган маоши оиласини тўлиқ таъминлаш учун етарли эмас эди. Аёл иш масаласида ижтимоий ходимга мурожаат қилганида, оддий маслаҳат билан чекланилимади.



Маҳалла биносидан унга алоҳида хона ажратилди ва мини лойиҳа йўлга қўйилди. Бугун Дилбар опа ушбу хонада пуллик логопедик хизмат кўрсатиш орқали кўшимча даромад топмоқда. Энг муҳими, лойиҳа доирасида эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган болалар учун му்தлақо бепул машғулотлар олиб бормоқда. Шу орқали бир вақтнинг ўзида ҳам тадбиркорлик, ҳам ижтимоий ғимоя, ҳам болалар манфаатлари уйғунлашди.

— Хонадонларга кирганимда, аввало, одамларни тинглашга ҳаракат қиламан, — дейди Зарина Темирова. — Баъзан улар моддий ёрдамдан кўра, эътибор ва тўғри йўл кўрсатишга муҳтож бўлади. Бизнинг мақсадимиз фақат нафақа тайинлаш эмас, балки фуқароларнинг мустақил ҳаёт кечириши учун шароит яратишдир. Агар бир инсон иш топса, бола таълим олса ёки ногиронлиги бўлган фуқаро жамиятга фаол қайтса, бу бизнинг энг катта натижамиз ҳисобланади.

Сўнгги уч йил давомида маҳалладаги кўплаб ногиронлиги бўлган шахслар протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланди. Бу фақат бир мослама топшириш, дегани эмас. Унинг ортида инсоннинг мустақил юриши, ишга бориши, касб эгаллаши, жамиятга қайта мослашиши каби улкан максадлар муҳассам. Шу кунга қадар айни ёндашув асосида 8 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг бандлиги таъминланди. Яна 8 нафари адаптив спорт турларига жалб этилди.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Руқия Шарипова уч нафар фарзандни вояга етказмоқда. Оиладаги энг катта синов — фарзандининг I гуруҳ ногиронлиги ҳамда руҳий саломатлиги билан боғлиқ муаммолар эди. Ижтимоий ходим кўмаги билан оила Ижтимоий реестрга киритилди. Натижада уларга болалар нафақаси тайинланди. Руқия опа фарзандига расмий қаровчи сифатида бериқрилди. Хонадон вакилларига психологик хизмат кўрсатилди. Иккинчи фарзанди имтиёз асосида ўқув курсига жойлаштирилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан уйи таъмирланди.

Бир қарашда булар турли йўналишдаги ёрдамлар бўлиб туюлади. Аслида эса уларнинг барчаси битта мақсадга — оилани огир ижтимоий вазиятдан қиаришга хизмат қилмоқда.

Китоб туманида илк бор “Янги кун” кундузги парваришлаш хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

КУНДУЗГИ ПАРВАРИШ — ОИЛАГА ЕНГИЛИК ВА ЯНГИ ИМКОНияТ ДЕМАК



Энди 18 ёшдан катта ногиронлиги бўлган шахслар учун кун давомида малакали мутахассислар назоратида бўлиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, мустақил ҳаёт кўникмаларини ривожлантириш ва жамиятга мослашиш имкони туғилди.

Бу хизмат кимлар учун:

- ☑ ногиронлиги бўлган фарзанди ёки яқинини кун давомида хавфсиз ва ишончли муҳитда қолдиришга эҳтиёжи бор оилалар;
- ☑ ижтимоийлашув, ривожланиш ва мутахассислар кўмагига муҳтож ногиронлиги бўлган шахслар учун.

Натижа қандай бўлди:

- ☑ оила аъзоларига кун давомида меҳнат қилиш, шахсий ишларини бажариш ёки дам олиш учун кўшимча имконият яратилди;
- ☑ ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиш қобилиятлари шаклланади.

“Янги кун” кундузги парваришлаш хизмати — нафақат парвариш, балки ҳар бир инсоннинг имкониятларини рўёбга чиқариш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ва оилаларни кўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ижтимоий хизматдир.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...



Ҳар бир инсон ҳаёт йўлида турли синовларга дуч келади. Баъзан бир оиланинг дарди бутун жамият эътиборини талаб қилади. Ижтимоий ходимнинг вазифаси эса фақат ёрдам кўрсатиш эмас, балки кишилар қалбида сўнгган умид учқунини қайта ёқиш, унинг ҳаётга ишончини қайтаришдир.



Хуснида ХИДИРОВА,
Бўка туманидаги “Хўжақўрғон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Дастлаб оддий ҳол-аҳвол сўрашдан бошланган суҳбат вақт ўтиши билан ҳаётий ҳикояларга, дард ва изтиробларга, яширин умидларга уланди. Ҳар бир сўз ортида йиллар давомида йиғилган оғриқ бор эди.

Мен бу оилани ўрганар эканман, уларга бир марталик ёрдам эмас, балки тизимли ва мажмуавий ёндашув зарурлигини англадим. Чунки баъзи муаммолар биргина ечим билан эмас, балки изчил кўллаб-қувватлаш билан ўзгаради.

Аввало, оила Ижтимоий реестрга киритилди ва болалар нафақаси тайинланди. Бу уларнинг кундалик турмуш шароитини энгиллаштиришга хизмат қилди. Кейинчалик таълим йўналишида ҳам амалий ёрдам кўрсатилиб, ўғли Асадбек Адхамовнинг олий таълим муассасасидаги шартнома пули тўлаб берилди.

Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали озиқ-овқат ва кийим-кечак етказилди. Оиланинг нафақат моддий, балки руҳий эҳтиёжлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Психолог ва юрист ёрдами ташкил этилиб, оила вакилларининг ички кечинмалари тинланди. ҳуқуқий масалалар бўйича тушунтиришлар берилди. Бу жараёнда энг муҳим жиҳат — уларни тинглаш, тушуниш ва ёлғиз эмаслигини ҳис қилишига кўмаклашиш эди.

Вақт ўтиши билан оиланинг ҳаётида ўзгаришлар сезила бошлади. Тушқунлик ўрнини аста-секин ишонч эгаллади. Қўзлардаги хавотир эса умидли қарашларга ўрин берди. Энг катта натижа эса “сиз ёлғиз эмассиз”, деган туйғунинг инсон қалбида уйғониши эди. Чунки баъзан энг катта ёрдам пул ёки ҳужжат эмас, балки меҳр ва эътибордир.

Азиза опа бугун ўз ҳаётига бошқача назар билан қарайди. У энди ўзини ёлғиз эмас, балки жамият эътиборида эканини ҳис қилади. Унинг сўзлари эса бу ҳақиқатни тасдиқлайди: “Бизни эшитишларини кутмаган эдик. Сизлар келиб, нафақат ёрдам, балки ҳаётга ишонч бердингиз”.

Бу сўзлар ижтимоий ходим учун энг катта мукофотдир.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

БИЗДАН ФАҚАТ
МЕҲР ҚОЛАДИ...

Давлат ижтимоий суғуртаси тизимини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, фуқароларнинг бу борадаги хабардорлигини ошириш мақсадида Термиз шаҳрининг “Юлдуз” маҳалласида навбатдаги тарғибот тадбири ташкил этилди.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА – ҲИМОЯ ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ



Маржон ТОШМУРОВА,
журналист.

Мазкур маҳаллада 4 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан қарийб 150 нафари ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар тоифасига киради. Тадбир давомида иштирокиларга давлат ижтимоий суғуртаси тизимининг мазмун-моҳияти, унинг фуқаролар учун яратадиган кафолатлари, суғурта асосида тақдим этиладиган хизмат ва тўловлар ҳамда тизимнинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, 2026 йил 1 июлдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) нафақаларини тайинлаш ва тўлаш ҳам давлат ижтимоий суғуртаси тизими доирасида амалга оширилиши ҳақида тушунтиришлар берилди. Бу янгилик фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, хизматларни шаффоф ва қулай ташкил этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир давомида фуқароларни қизиқтирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб бериб, давлат ижтимоий суғуртаси тизимидан фойдаланиш тартиби юзасидан амалий тавсиялар тақдим этилди.



Ўзбекистонда иш берувчилар учун олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга ёллашда СОЛИҚЛАР 1 ФОИЗГАЧА КАМАЙТИРИЛАДИ.



“ҚУЁШЛИ ХОНАДОН” ДАСТУРИ асосида апрель-май ойларида 60 минг 193 нафар шахс 156 миллиард 125 миллион сўм субсидия олади.



Ўзбекистонда ЙЎҚОЛИБ КЕТИШ ХАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ёввойи ҳайвонларни овлаш тақиқланади.

2026 йил
4 июль,
ШАНБА



БУХОРО

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Эрталаб ишхонага киришим билан телефон жиринглади. Нариги томондаги фуқаронинг овозидан хавотир сезилиб турарди. “Мен еримни аллақачон бошқа одамга ўтказганман. Нега ҳали ҳам солиқ қарздорлиги менинг номимга чиқяпти?” — деди у.

Солиқ интизоми ишонч ва тушунтиришдан бошланади

Шерали МУРОДОВ,
Когон туманидаги
“Чолоки” ва “Туткунда”
маҳаллалари солиқ инспектори.

Бундай саволлар биз учун янгилик эмас. Кўпчилик мулкни расмийлаштириш якунлангач, барча маълумотлар бир зумда тизимга тушади, деб ўйлайди. Аслида эса айрим идоралар ўртасидаги маълумот алмашинуви ёки ҳужжатлардаги кичик хатолик ҳам фуқарога ортиқча ташвиш туғдириши мумкин. Ҳужжатларни синчиқлаб кўриб чиқдик, муаммо сабабини аниқладик ва уни бартараф этиш бўйича зарур чоралар-

Шундай вазиятларда кўплаб муаммолар қонунни етарлича билмасликдан келиб чиқади. Вақтида берилган тушунтириш орқали одамлар ҳам ўз ҳуқуқини, ҳам мажбуриятини тўғри англай бошлайди.

Лекин бу оддий кўринган хатолар эртага жиддий муаммога айланади. Расмий ишламаган ходим меҳнат сажидан маҳрум бўлади, нафақа ҳисобида зарар кўради, ижтимоий кафолатлари чекланади. Фискал чек олмаган харидор эса на кешбэкдан фойдаланади, на сифатсиз маҳсулот ёки хизмат юзасидан ўз ҳуқуқини исботлай олади. Энг ачинарлиси, буларнинг аксариятини олдини олиш мумкин.

Шу боис бизнинг вазифамиз — жари-ма ёзишдан олдин тушунтириш бериш-



Маҳаллада ишлаётганимизда фақат фуқаролар эмас, тадбиркорлар билан ҳам кўп мулоқот қиламиз. Айрим корхоналарда ходимлар сони ҳужжатларда камроқ кўрсатилади. Ёки иш ҳақи тўлиқ банк орқали эмас, “конверт” усулида берилади. Баъзилар эса харидорга фискал чек беришни ортиқча иш деб ҳисоблайди.

ни бошладик. Фуқаро эса муаммони тушунтириб берганимизнинг ўзи ҳам енгиллик бўлганини айтди.

Хар куни одамлар шу каби турли масалалар билан мурожаат қилади. Кимдир харид қилган маҳсулоти учун кешбэк нега тушмаганини сўрайди. Текшириб кўрсак, харид пайтида фискал чек умуман берилмаган бўлади. Бошқа бир фуқаро эса ортиқча тўланган солиқ маблағини қандай қайтариб олишни билмайди. Яна биров кадастр ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиқ базасидаги маълумотлар нега бир-бирига мос келмаётганидан норози бўлади.

дан бошланади. Хар бир тадбиркорга қонуний фаолият юритишнинг афзалликларини мисоллар билан тушунтираемиз. Фуқароларга эса электрон хизматлардан фойдаланиш, ортиқча тўловларни қайтариб олиш, солиқ ҳисоб-китобларини текшириш тартибини кўрсатамиз. Уларнинг масалани тушунган сари давлат хизматларига ишончи ҳам ортади.

Одамлар кўпинча ёрдам эмас, йўл-йўриқ излайди. Уларга вақтида тўғри маълумот берилса, мураккаб тўюлган масалалар ҳам оддий ечим топади. Солиқ интизоми ҳам айнан шундай назорат билан эмас, тушуниш ва ишонч билан шаклланади.

СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ

Уч қарра ер солиғи бекор қилинди

Президент имзолаган тегишли қонун билан Солиқ кодексига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, жисмоний шахсларга ер участкаларидан ҳужжатларсиз фойдаланганлик учун 2020 йил 1 январдан 2024 йил 1 июнгача бўлган давр учун ҳисобланган уч қарра ер солиғи бекор қилинди.



у муносабат билан кўплаб фуқаролар: “Аввалги йилларда менга уч қарра ер солиғи ҳисобланганми?”, “Тўлаган бўлсам, энди нима қилишим керак?”, деган саволларни бермоқда.

Бу борада фуқароларнинг ҳеч қандай давлат ташкилотига мурожаат қилиши шарт эмас. Солиқ қўмитаси илгари ҳисобланган уч қарра ер солиғи суммаларини тўғридан-тўғри қайта ҳисоб-китоб қилади. Яъни ушбу жараён учун ариза ёзиш ёки алоҳида ҳужжат топшириш талаб этилмайди.

Агар сиз ушбу солиқни илгари тўлаган бўлсангиз, қайта ҳисоб-китоб натижасида юзага келган ортиқча тўлов суммасини “Солиқ” мобил иловаси орқали кўришингиз мумкин. Шунингдек, илова орқали ортиқча тўланган маблағни қайтариш бўйича электрон мурожаат юбориш имконияти ҳам мавжуд.



Демак, ушбу ўзгариш фуқароларга қўшимча овора бўлмасдан, адолатли солиқ ҳисобини тиклашга хизмат қилади. Энг муҳими, қайта ҳисоб-китоб тўғридан-тўғри амалга оширилиди, фуқаролар эса натижаларни “Солиқ” мобил иловасида кузатиб боришлари ва зарурат бўлса, ортиқча тўланган суммани қайтариш учун электрон мурожаат юборишлари мумкин.

Mahalla

№53

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЮТУҚЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ — ЗАМИРИДА МЕҲНАТ ВА МАТОНАТ МУЖАССАМ



“Маҳалланинг кучи нимада”, деб сўрасангиз, мен бир лаҳза ҳам ўйланмай жавоб бераман: одамларнинг меҳнатида, бир-бирига суюниб яшашида. Чунки бизда ер ҳам, сув ҳам хар доим мўл-кўл эмас. Лекин ният, меҳнат ва ҳам-жиҳатлик ҳеч қачон камаймаган.

Нодир РАҲИМҚУЛОВ,
Нурота туманидаги
“Қадоқ” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда бугун 383 та хонадонда 2 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу маскан азалдан чорвачилик ва боғдорчилик билан танилган. Айниқса, узумчилик одамларимизнинг нафақат касби, балки ҳаёт тарзига айланган. Фермерларимиз кенг майдонларда қора кишимиш навли узум етиштиради. Бу навинг меваси ширин, уруғсиз, бозорбоп ва узок масофаларга ташишга ҳам чидамли. Энг муҳими, сув танқис ҳудудимиз шароитига мослашган.

НАВОЙ

Албатта, узум ҳам эътибор талаб қилади: аввал тоқлар қишда тўғри кесилади, баҳорда парвариш қилинади, ёзда эса ортиқча новдалари сийраклаштирилиб, ҳосил шамоллатиб турилади. Сув тежаб сугориш усуллари қўлланади. Тоқ қаторлари орасига картошка экилгани эса ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш имконини беради. Бир жиҳатдан қўшимча даромад олинади, иккинчи жиҳатдан кўплаб маҳалладошлар мавсумий иш билан таъминланади.

Бугун маҳалламизда тадбиркорлик илдам одимляпти. Ўн иккита савдо дўкони аҳолига хизмат кўрсатяпти. Жорий йилнинг ўзида ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда 30 нафар фуқарога қарийб 1 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ана шу имкониятдан фойдаланганлардан бири Абдулла Ўсаров бўлди. У 33 миллион сўм кредит олиб, чорва сонини кўпайтирди. Бугун ўз оиласининг даромадини оширибгина қолмай, бошқаларга ҳам ўрнак бўлиб турибди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Турди ҚОСИМОВ. Самарқанд вилояти:

— Томорқамда सबзавот ва мевали дарахтлар етишти-
раман. Яқинда сув солиғи бўйича айрим фуқароларга
имтиёз берилиши ҳақида эшитдим. Шу имтиёздан фой-
даланишим учун қандай шартларни бажаришим керак?

СУВ СОЛИҒИ ИМТИЁЗИДАН КИМЛАР ФОЙДАЛАНАДИ?

Фаррух БОБОЕВ,
Самарқанд
вилояти
солиқ бошқармаси
бошлиғи:

— Президенти-
мизнинг “Саноат
усулидаги интенсив
мевали боғлар бар-
по этиш ва эскирган
боғларни янгилаш-
ни қўллаб-қувват-
лаш чора-тадбир-
лари тўғрисида”ги
фармонига мувофиқ,
сув солиғи бўйича
назарда тутилган
мазкур имтиёздан
фойдаланишингиз
учун боғингиз саноат
усулидаги интенсив
мевали боғ талаб-
ларига жавоб бериши
ҳамда унда томчи-
латиб сугориш ёки
бошқа замонавий
сув тежовчи техноло-
гиялар жорий этил-
ган бўлиши лозим.



Шунингдек, фармонда белгиланган 1 сўмлик солиқ ставкаси ер усти сув манбаларидан фойдаланишга эмас, балки бургиланган қудуқлардан олинган ер ости сув ресурслари учун қўлланилади. Шу сабабли сиз ушбу имтиёздан фақат фармонда белгиланган шартларга тўлиқ риоя қилган тақдирда фойдаланишингиз мумкин.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Кейинги йилларда инфратузил-
мадаги ўзгаришларни одамлар ҳар
куни ҳис қиляпти. Илгари тоғдан
сув ташиб келган қунарларимиз ҳали
ҳам ёдимизда. Бугун эса 18 километр
масофадан ичимлик сув тармоғи тор-
тилиб, 135 та хонадон тоза сув билан
таъминланди. Энди қолган хонадон-
ларга босқичма-босқич етказиш усти-
да ишлаймиз. “Ташаббусли бюджет”
орқали амалга оширилган 11 та
лойиха ҳам маҳалламиз қиёфасини
ўзгартирди. Йўллар таъмирланди,
сунъий қопламали стадион ва спорт
майдончаси бунёд этилди, мактаб
янгиланди.

Маҳалламизда мурожаатлар ҳам
кўп эмас. Асосан, нурунийларимиз-
дан ёки табиий ҳодисалар оқибатида
симёгочларга зарар етиши каби маса-
лалар юзасидан мурожаатлар келади.
Лекин энг катта бойлигимиз шунда-
ки, оқсоқол ва онахонларимиз бугун
маҳалла ҳаётининг фол иштирокчи-
лари. Улар оилалардаги муаммолар-
ни тинглайди, жойида ҳал этишга ин-
тилади. Аксарият масалалар уларнинг
оқилона маслаҳати билан ҳал бўлади.
Ана шу ҳамжиҳатлик туфайли маҳал-
ламизда оилавий ажралиш ҳолатлари
деярли учрамайди.

Олдимизда ҳали бажариладиган
ишлар ҳам бор. Энг катта орозулари-
миздан бири — камида 200 ўринли
тиқув устaxonасини ишга тушириш.
Чунки аёлларимизнинг аксарияти —
уй бекаси. Уларнинг меҳнат қилиш,
оиласига қўшимча даромад топиш
истаги бор, фақат бунинг учун имко-
ният керак. Ишонаман, бу ният ҳам,
албатта, амалга ошади.

Зеро, бугунгача эришган ютуқла-
римиз ҳам осмондан тушмаган. Улар-
нинг замирида меҳнат, ишонч ва бир
ёқадан бош чиқариб яшайётган одам-
ларимизнинг мақсади мужассам.



Ўзбекистонда КРИПТОАКТИВЛАР ХИЗМАТЛАРИ ПРОВАЙДЕРЛАРИ учун янги лицензиялаш талаблари жорий этилди.




Тошкент аэропортидан КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ДОРИЛАРНИ олиб ўтишга уринган аёл 5 йилга қамалди.



Маҳкумнинг жазо муддатини қисқартириш учун 15 минг доллар ПОРА ОЛГАН АДВОКАТ УШЛАНДИ.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ВАЗИЯТ ОҚИЛЛИК
БИЛАН ЖИЛОВЛАНСА,
ЖАЗОЛАШГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ”



...Ўтган йили маҳалламизда қутилмаган нохуш воқеа юз берди. Тун оғушида қайсидир хонадонга ўғри кирди. Ўша кунни маҳалла аҳли орасида ваҳима ва хавотир ўралагани рост. Кўпчилик “энди нима бўлади, ўғри изини йўқотиб бўлди”, деб умидсизликка тушган бир вақтда, маҳалла киришига ўрнатилган ягона кузатув камераси вазиятни оқиллик билан ҳал этишга ёрдамлашди.

Айниқса, оилалар то-тувлгини ташминлаш бош мақсадимизга айланган. Дарҳақиқат, хонадонда аҳиллик бўлмаса, барака ҳам, тинчлик ҳам бўлмайди. “Хонадонбай” урганишларимиз давомида бир оилада эр-хотин ўртасида тез-тез келишмовчилик чиқиб, жанжаллар одат тусига кириб қолганини аниқладик. Вазият шу даражага етгандики, ажралиш ёқасига келиб қолишганди.

Хотин-қизлар фаоли ва нурунийларни жалб қилиб, хонадонга бордик. Улар билан дилдан суҳбатлашдик. Эр-хотинга оила масъулиятини тушунтирдик. Маслаҳатларимиз ва самимий ёндашувимиз сабаб, бир-бирини кечирди. Агар ушанда фақат қонун кучи билан ёндашиб, эрга нисбатан маъмурий қамоқ ёки жарима қўллаганимизда, оила бутунлай барбод бўларди, фарзандлар тирик етим қоларди.

Халқимизда “Ховли олма, қўшни ол”, деган доно нақл бор. Аммо баъзан арзимаган майший муаммолар — томорқа девори, дарахт шохи ёки чиқинди масаласи сабабли қўшнилар ўзаро юзқўрмас бўлиб кетишади. Бу каби нохушликларнинг олдини олиш ҳам доимо эътиборимизда.

Яқинда маҳалламизда қўшнилар арзимаган девор чегараси устидан қаттиқ тортишиб қолишди. Оғзаки тортишув жиддий жанжалга бориб етганди. Вазиятни оқиллик ва одамийлик тамойили асосида ҳал этиш учун оқсоқолларни жалб этдик. Самимий гурунг устида икки қўшни хатосини англаб, бир-бирига қўл бериб ярашишди.

Маҳаллада хавфсиз муҳитни янада барқарор қилиш учун таклифларим бор. Оилавий зўравонлик ёки майший таъйиққа учраган аёллар ва кексалар учун маҳалланинг ички он-лайн муурожаат ботини яратиш лозим. Бу бизга муаммони кўчага чиқмасдан аввал, уйнинг ичидаёқ тинч йўл билан ҳал этишга ёрдам беради.

Маҳалламиз кўчалари ва кириш-чиқиш йўллари тўлиқ видеокузатув тизимига уланган. Агар ушбу камераларни сунъий интеллект тизимига уласак, тунги вақтда ҳудуддаги шубҳали ҳаракатлар ёки ноқонуний ҳолатларни тизимнинг ўзи тўғридан-тўғри аниқлаб беради.

Маҳалла идорасида расмий суҳбат хонаси эмас, балки миллий услубда безатилган, одамлар дардлашадиган кичик маскан ташкил этиш лозим. Ҳар қандай майда низони расмийлаштирмасдан, шу ерда, дилдан суҳбат билан барта-раф этилади.

РЕЖА ҚОҒОЗДА
ҚОЛМАГАНИ УЧУН ҲУДУД
ОСОЙИШТА, ХОНАДОНЛАР САРИШТА

Мамлакатимизда “маҳаллабай” ишлаш, ҳудудларни жиноятчиликдан холи бўлишига эришиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада маҳалламиз ўзининг хавфсизлик тизими ва ички тартиби билан ажралиб туради. 5 300 нафардан ортиқ аҳоли яшаётган ҳудудда осойишталикни сақлаш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Унинг замирида замонавий технологиялар ва инсон омилининг уйғунлиги ётибди.



Жолдас МЎМИНОВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги
“Боғимайдон” маҳалласи
профилактика инспектори.

Кўп қаватли уйларнинг фасад қисмига ишланган тасвирий санъат намуналари ва обод кўчалар ҳудудга нафақат замонавий руҳ бағишламодда, балки одамларнинг кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жиноятчиликдан холи бўлишимизда Кўриқлаш хизмати билан ҳамкорликда жорий этилган рақамли технологияларнинг ҳиссаси катта. Яъни, уйларга “ташвиш тугмаси” ўрнатилгани ҳар қадарда сезилмоқда.

Мисол учун, яқинда кўп қаватли уйларнинг бирида тунги соат 23:00 атрофида нотаниш шахслар маст ҳолатда ўзаро жанжал кўтариб, аҳолининг тинчлигини бузди. Шу уйда яшовчи кекса отахон ташқарига чиқиб, уларга танбёҳ бериш хавфи эканлигини тушуниб, “ташвиш тугмаси”ни босди. Орадан

З дақиқа ўтмай, тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб борди ва жамоат тартибини бузган шахслар қўлга олинди. Ҳеч кимга шикаст етмасдан, жанжалнинг олди олинди.

Бундан ташқари, маҳалла боғининг марказига ўрнатилган 150 метр масофада эритувчи ва 100 метрли кенгайтирилган тунги кўриш имкониятига эга кузатув камераси ҳудудни туну кун назорат қилиш имконини бermoқда. Бу тизим шунчаки жиноятни иссиқ изидан фош этиш эмас, балки уни содир этиш исти-гада бўлган шахсларга нисбатан руҳий тўсиқ вазифасини ўтамоқда.



Албатта, энг замонавий техника ҳам соҳа фидойилари бўлмаса, қутилган натижани бермайди. Маҳалла осойишталигида “еттилик”нинг ҳамкорлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Улар шунчаки қоғозда эмас, аҳоли билан бевосита мулоқот ўрнатиб, оилалардаги низолар ва муаммоларни ичига кириб ўрганишмоқда.

Кези келганда, жиноятчилиكنи жиловлаш буйича айрим таклифларимни билдириб ўтмоқчиман. Зеро, бу бошқа ҳамкасбларимга ҳам кўмак бўлади.

Маҳалланинг энг чекка нуқталарини сунъий интеллект бошқарадиган, ҳаракатга сезгир чироқлар билан жиҳозлаш керак. Бу нафақат энергияни тежайди, балки тунда содир бўлувчи ўғрилик ва безориликни кескин камайтиради. Кўп қаватли уйлардаги овозли алоқа тизимини Миллий гвардия ёки ИИБ кўриқлаш ускунасига улаш ҳам яхши самара беради.

Шунингдек, йил давомида жиноят содир этилмаган “яшил” маҳаллаларнинг коммунал харажатлари (масалан, кўча чироқлари ёки ободонлаштириш тўловлари) учун субсидиялар ажратиш ёки аҳоли учун қўшимча спорт майдончалари қуриб бериш тизимини жорий этиш лозим. Бу аҳолини ўз маҳалласи тинчлиги учун масъулият ҳис қилишга ундайди.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Сарвар АКБАРЗОДА,
Поп туманидаги
“Бунёдкор” маҳалласи
профилактика инспектори.



Жиноят соатлар ичида, тезкорлик билан очилди. Ана шунда одамлар кўринмас темир кўзнинг асл хазина эканини, хавфсизликни таъминлашда замонавий технологиянинг ўрнини англаб етди. Бу воқеа маҳалладошларимизнинг қарашини бутунлай ўзгартирди. Одамлар ўз ташаббуслари ва ҳомийлик асосида ҳар бир кўчага кузатув камераларини ўрнатиб чиқишди.

Кўпчилик касбимизни фақат қонун бузганларни жазолаш ёки баённома расмийлаштиришдан иборат, деб ўйлайди. Аслида, катта жиноятлар вақтида эътибор берилмаган оддий оилавий низолар ёки қўшнилар ўртасидаги майда аразлардан келиб чиқади. “Еттилик” билан “хонадонбай” юрганимизда, асосий ургуни инсонларнинг кўнглига йўл топишга ва муаммоларни барвақт ҳал этишга қаратялмиз. Жиноятчилик, ишсизликдан холи ҳудуд эканимизнинг асосида ҳамжиҳатлик ётибди.



Ушбу сон саҳифаларидаги
барча мақолалар
матнни мусаххих
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.

“ГЎЗАЛ ҲАЁТ” ВАЪДАСИ, АСЛИДА, ТУЗОК ЭКАН!

Баъзан шундай лаҳзалар бўладики, улар ортида бир инсон тақдири, ҳатто бутун бир оила қўрғонининг парчаланиб кетиш сабаби яширин бўлади.

Нозим АБДУРАШИДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Оҳангарон шаҳар суди
раиси.

Уш тун ҳам шундай кечди: йигирма ёшли қиз қўлида чипта билан Истанбулга учиб арафасида бир олам ширин уй-хаёллар оғушида ҳаяжонланиб ўтирарди. Аммо ҳаво кемасига чиқишидан бир неча дақиқа олдин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари тўхтатишди. Шу тариқа ёш қизни чет элга иш ва даромад ваъдаси билан жалб қилишга оид жиноят фош этилди.



Тергов маълумотлари-га кўра, Хосият Тўлқинова (исм-шарифлар ўзгартрилган) Туркияда яшовчи “Мурак” ва “Кере” исмли танишлари билан олдиндан жиноий тил бириктириб, қизларни Истанбул шаҳрига юбориш ва уларни тубан ишга жалб қилиш орқали даромад олишни режалаштирган.

Жиноий режага мувофиқ, Х.Тўлқинова Ўзбекистонда пулга муҳтож қизларни излаб топиши, “Мурак” ҳамда “Кере” эса Истанбулда уларни кутиб олиб, яшаш жойи ва миқдорлар билан таъминлаши лозим эди. Шу мақсадда Х.Тўлқинова Оҳангарон шаҳрида яшовчи Зинаида Абраева билан танишиб, унга Туркияда катта

даромад топиш мумкинлигини айтади, йўл харажатлари ва авиачипта масалаларини ҳам текинга ҳал қилишга ваъда беради.

Бироқ Зинаида Абраева бу таклиф ортидаги асл мақсадни англаб етгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага муурожаат этади. Ўз аризасида Хосият Тўлқинова уни алдаш йўли билан Туркияга юбориб, тубан иш билан шуғулланишга жалб этмоқчи бўлаётганини маълум қилади. Шундан сўнг тезкор тадбир ташкил этилди. Хосият Тўлқинова қўлга олинди.

Суд ўз ҳукмини чиқарди — амалдаги қонун ўз сўзини айтди. Аммо бу воқеадан чиқарилиши лозим бўлган энг муҳим хулоса суд қароридан ҳам кенроқ. Яъни, ҳар қандай “осон пул” ваъдаси ортида — қандайдир хавф-хатар, “беғул ёрдам” ортида кимнингдир манфаати яширинган бўлиши ҳақиқатдир.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 324 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: F-720

